O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Nurobod tumani
HOKIMI
QARORI

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Нурабадского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

141100, Nurobod shaxri, Mustaqillik ko'chasi 2-uy,
Tel:633-16-34, Fax 231-98-81, nurobod@samarkand.uz

141100, г. Нурабад, ул. Мустакиллик, д.2
Тел.633-16-34, Факс 231-98-81, nurobod@samarkand.uz

2017 йил «29» май №575-Ӯ

**Ер участкаси ажратиш ва қурилишга рухсат бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Шаҳарсозлик кодекси"нинг 20-моддаси, Ер кодекси"нинг 6, 26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2011 йил 25 майдаги №146-сонли "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги қарорларини ижросини таъминлаш мақсадида Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институтининг 2017 йил 2 майдаги №617/07 сонли келишув хати, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2017 йил 10 апрелдаги №1055-сонли экологик экспертиза хулосасини, "ANJIRLI TONG GUZARI" хусусий корхонаси томонидан Нуробод тумани Дўстлик маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги заҳирасида бўлган яйлов ер майдонидан савдо дукони ва маиший хизмат кўрсатиш биносини қуриш учун 1,14 гектар ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 23 майдаги далолатномаси ва тўпланган ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларини кўриб чиқиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. "ANJIRLI TONG GUZARI" хусусий корхонасига Нуробод тумани Дўстлик маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги заҳирасида бўлган яйлов ер майдонидан савдо дукони ва маиший хизмат кўрсатиш биносини қуриш учун 1,14 гектар ер майдони ажратилсин ҳамда ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 23 майдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. “ANJIRLI TONG GUZARI" хусусий корхонасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш:

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини уч йил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш:

3. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га "ANJIRLI TONG GUZARI" хусусий корхонаси томонидан тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини "Ўз ГАШКЛИТИ" ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) ва туман "Ер ресурслари ва давлат кадастри" бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. “ANJIRLI TONG GUZARI" хусусий корхонаси томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг

Туман ҳокими DEVONXONA Ф.Заиров